O'zbekiston Respublikasi
Surxondaryo viloyati
xalq deputatlari
Angor tuman Kengashining
Q A R O R I

РЕШЕНИЕ
Ангорского районного Кенгаша
народных депутатов
Сурхандарьинской области
Республики Узбекистан

2019 йил 7 январь № 200/V-45 Ангор тумани

Ангор туманининг 2018 йилги маҳаллий бюджети ижроси ва 2019 йил маҳаллий бюджети асосий кўрсаткичлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2018 йил 17 ноябрдаги 2119-III-сонли ва шу ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2018 йил 13 декабрдаги СҚ-348-III-сонли қарорларига асосан, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг "Сурхондарё вилоятининг 2018 йилги маҳаллий бюджети ижроси ва 2019 йил маҳаллий бюджети асосий кўрсаткичлари тўғрисида"ги 2018 йил 26 декабрдаги 222/5-35-сон қарорига асосан халқ депутатлари Ангор туман Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2018 йил 17 ноябрдаги 2119-III-сонли ва шу ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2018 йил 13 декабрдаги СҚ-348-III-сонли қарорлари ҳамда халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг "Сурхондарё вилоятининг 2018 йилги маҳаллий бюджети ижроси ва 2019 йил маҳаллий бюджети асосий кўрсаткичлари тўғрисида"ги 2018 йил 26 декабрдаги 222/5-35-сон қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ангор туман маҳаллий бюджети 2019 йил асосий кўрсаткичларининг даромадлар қисми 20653,8 млн. сўм, харажатлар қисми 108621,5 млн. сўм, мақсадли таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлови трансферт маблағлари 87967,7 млн. сўм миқдорида белгилансин.

3. Ангор тумани бўйича 2019 йил маҳаллий бюджет даромадларининг режа кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ, харажатлар 2-иловага мувофиқ, умумдавлат солиқлари бўйича тушумларнинг туман маҳаллий бюджетига ажратиладиган меъёрлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туман ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари (С.Жумаев):

солиқ солиш тизимини изчиллик билан соддалаштириш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш орқали солиқ юкини пасайтириш, ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш бўйича зарур чоралар кўриш;

ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштирилишини янада чуқурлаштириш, ички талабни шакллантириш ва бозорни зарур истеъмол товарлари ҳамда бутловчи буюмлар билан тўлдириш бўйича самарадорликни ошириш;

ижтимоий соҳага, тиббий хизматлар сифатини яхшилашга, инфратузилмани ривожлантиришга сарфланадиган харажатлардан самарали фойдаланиш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш чораларини кўриш;

узлуксиз таълим тизимини; хусусан, мактабгача таълим муассасалари тизимини ривожлантириш, хусусий таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш:

намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар қурилиши кўламини кенгайтириш, шунингдек йўл транспорт, муҳандислик коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш чораларни кўрсин.

5. Ангор тумани ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари (С.Жумаев), туман Давлат солиқ инпекцияси (М.Худойбердиев) ва молия бўлими (О.Мамаюсупов) туман маҳаллий бюджети даромадлар қисмининг солиқ турлари бўйича белгиланган режалари тўлиқ бажарилишини таъминласин.

6. Ангор тумани ҳокимлиги молия бўлими (О.Мамаюсупов)га:

туман маҳаллий бюджетининг 2019 йил давомида маҳаллий бюджет харажатларини мақбуллаштириш натижасида шаклланадиган қўшимча манбалар ҳисобидан туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан зарур тузатишлар киритиб бориш;

бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан маблағ билан таъминланиш асослари мавжудлигини мунтазам таҳлил қилиб бориш ҳамда маблағларнинг натижадорлигига эришмаган бюджет муассасаларини қисқартириш юзасидан туман ҳокимлиги ва тегишли муассасаларга мунтазам равишда таклиф киритиш;

бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланилиши ва уларнинг асоссиз сарфланишини бартараф этиш устидан ғазначилик ижроси тизими воситасида қатъий назорат амалга ошириш топширилсин.

7. Туман ҳокимлиги молия бўлимига (О.Мамаюсупов) халқ депутатлари Ангор тумани Кенгашига маҳаллий бюджетнинг ижроси тўғрисида ҳар чоракда ахборот бериб бориш вазифаси юклатилсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси М.Ярматов зиммасига юклансин.

9. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан кучга киради.

Халқ депутатлари туман Кенгаши сессия ранси **М.Ярматов**

Халқ депутатлари туман
Кенгашининг 2019 йил _____
_____даги
_____-сонли қарорига

2019 ЙИЛ УЧУН АНГОР ТУМАНИ БЎЙИЧА
БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИНГ РЕЖА КЎРСАТКИЧЛАРИ

контингент

	Даромад турлари	минг. сўм
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	521,105
2	Норезидентлар томонидан тўланадиган фойда солиғи	0
3	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	2,257,957
4	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	15,892,240
5	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган даромад солиғи	2,100,000
6	Қўшилган қиймат солиғи	12,207,767
7	Акциз солиғи, жами	
	шу жумладан:	
	- ароқ	
	- табиий вино	
	- бошқа винолар	
	- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	*4,677,521*
8	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	377,159
9	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	2,279,404
10	Юридик шахслар ер солиғи	696,195
11	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	2,947,289
12	Ягона ер солиғи	1,791,050
13	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	96
14	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	
15	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	195,036
16	Давлат божи	2,081,980
17	Жарималар	2,090,524
18	ЎзР ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ундириладиган йиғимлар	1,001,193
19	Бозорлар даромадидан тушум	2,358,978
20	Маҳаллий йиғимлар	369,324
ЖАМИ		**53,844,818**

Ю. Мамасупов

Халқ депутатлари туман
Кенгашининг 2019 йил _____
_____даги
_____-сонли қарорига
2-илова

2019 ЙИЛ УЧУН АНГОР ТУМАНИ БЎЙИЧА БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИНГ РЕЖА КЎРСАТКИЧЛАРИ

Маълумот учун: маҳаллий

	Даромад турлари	минг. сўм
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	0
2	Норезидентлар томонидан тўланадиган фойда солиғи	0
3	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	2,257,957
4	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	
5	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган даромад солиғи	2,100,000
6	Қўшилган қиймат солиғи	
7	Акциз солиғи, жами	
	шу жумладан:	
	- ароқ	
	- табиий вино	
	- бошқа винолар	
	- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	*4,677,522*
8	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	377,159
9	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	2,279,404
10	Юридик шахслар ер солиғи	696,195
11	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	2,947,289
12	Ягона ер солиғи	1,791,050
13	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	96
14	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	
15	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	195,036
16	Давлат божи	603,774
17	Жарималар	
18	ЎзР ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ундириладиган йиғимлар	
19	Бозорлар даромадидан тушум	2,358,978
20	Маҳаллий йиғимлар	369,324
ЖАМИ		**20,653,784**

Ю. Мамасупов

Халқ депутатлари туман
Кенгашининг 2019 йил _____
_____даги
_____-сонли қарорига
3-илова

Ангор тумани маҳаллий бюджетларининг 2019 йилги асосий кўрсаткичлари

	Кўрсаткичлар	Миқдори (минг сўм)
	Харажатлар - жами	**108,621,487**
1.	**Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлар - жами**	**96,619,167**
	шу жумладан:	
1.1	Маориф	69,637,000
	- мактабгача таълим	7,887,081
	иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловлар	5,424,021
	- умумий таълим	61,749,919
	иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловлар	60,259,338
	- кадрлар тайёрлаш	0
1.2	Соғлиқни сақлаш	25,841,640
	иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловлар	22,284,344
1.3	Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари	1,097,967
	- маданият ва оммавий ахборот воситалари	367,128
	- спорт	730,839
1.8	Ижтимоий кўникма марказлари	42,560
2.	**Иқтисодиётга харажатлар**	**4,603,799**
	шу жумладан:	
2.1	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ташкилотлари	123,888
2.2	Ободонлаштириш	3,351,501
2.3	Дренаж ишлари билан боғлиқ харажатлар	43,925
2.6	Сув хўжалиги вазирлиги ташкилотлари	493,938
2.11	Ветеринария қўмитаси	590,547
3.	**Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга харажатлар**	**0**
4.	**Давлат бошқарув органларини сақлаш**	**3,399,993**
	шу жумладан:	
4.1	Давлат бошқарув идоралари	3,399,993
5.	**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш**	**2,923,136**
6.	**Заҳира жамғармаси**	**1,075,392**
7.	**Бошқа харажатлар**	**0**
	шу жумладан:	
7.1	Маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган бошқа муассасалар ва тадбирлар	0
7.2	Қабуллар уйини сақлаш харажатлари	0.0

Маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган даромадлар
Умумдавлат солиқларидан минимал миқдорда ажратмалар белгиланишида юзага келган ортиқча маблағлар
Ижтимоий соҳа учун трансфертлар - жами **87,967,703.0**

шу жумладан:

- мактабгача таълим муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлови 5,424,021.0
- халқ таълими муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлови 60,259,338.0
- соғлиқни сақлаш муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлови 22,284,344.0

Дотация
Айланма касса маблағи меъёри **805,500**

О. Маматқосимов

Халқ депутатлари туман
Кенгашининг 2019 йил __ _____
_____-сонли қарорига
4-илова

2019 йилда умумдавлат солиқлари бўйича тушумларнинг

Ангор тумани бюджетига ажратиладиган меъёрлари

(фоизда)

Умумдавлат солиқлари	Маҳаллий бюджетга ажратма миқдори
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	0
Норезидентлар томонидан тўланадиган фойда солиғи	0
Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	100
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	0
Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган даромад солиғи	100
Қўшилган қиймат солиғи	0
Акциз солиғи:	
- алкогол маҳсулотлари	0
- пиво	0
- тамаки маҳсулотлари	0
- бензин, дизель ёқилғиси ва авиация керосини	0
- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	100
Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	100
Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	100
Юридик шахслар ер солиғи	100
Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	100
Ягона ер солиғи	100
Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	100
Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	0
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	100
Давлат божи	29
Жарималар	0
ЎзР ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ундириладиган йиғимлар	0
Бозорлар даромадидан тушум	100
Маҳаллий йиғимлар	100

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ
АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ
АНГОР ТУМАНИ
АДЛИЯ БЎЛИМИ

190200, Ангор тумани, Гагарин кўчаси, 5-уй
Тел.: (0 - 376 31) 22-208, эл. почта: angor-t@adliya.uz

УПРАВЛЕНИЕ ЮСТИЦИИ
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ
ОТДЕЛ ЮСТИЦИИ
АНГОРСКОГО РАЙОНА

190200, Ангорский район, ул. Гагарина, дом №5
Тел.: (0 - 376 31) 22-208, эл. почта: angor-t@adliya.uz

2018 йил 7 январь № 1-11-1

Анғор туман
ҳокимлигига

2019 йил 4 январдаги
5/01-20-сонли хатга

Ангор туман адлия бўлими халқ депутатлари Ангор туман Кенгашининг "Ангор туманининг 2018 йилги маҳаллий бюджети ижроси ва 2019 йил маҳаллий бюджети асосий кўрсатгичлари тўғрисида"ги қарори лойиҳасини қонун ҳужжатлари ва қонунчилик техникаси қоидалари талабларига мувофиқлигини билдиради.

Мазкур қарор қабул қилингандан кейин расмий нашрларда эълон қилиниши, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги 355-сонли қарорига мувофиқ расман эълон қилингандан сўнг бир кундан кечикмай расмий веб-сайтга жойлаштирилиши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат ҳисоби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1856, 2008 йил 10 сентябрь) мувофиқ 3 кун ичида давлат ҳисобига олиш учун қоғоз ва электрон шаклларда вилоят адлия бошқармасига тақдим қилиниши лозим.

Илова: варақда.

Туман адлия
бўлими бошлиғи **Р.Э.Бердиев**

Ижрочи: П.Бобомўминов
Тел: 312-22-08

Получено
отдел: Ч. Камалов

“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”
Ангор туман адлия
бўлими бошлиғи
_____Р.Э.Бердиев

Ангор туман адлия бўлими томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш юзасидан

Х У Л О С А С И

2018 йил 5 январь Ангор тумани

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни 18-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги 3666-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги тўғрисида”ги Низом талабларига асосан халқ депутатлари Ангор туман Кенгашининг “Ангор туманининг 2018 йилги маҳаллий бюджети ижроси ва 2019 йил маҳаллий бюджети асосий кўрсаткичлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилганда қуйидагилар

А Н И Қ Л А Н Д И :

Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2018 йил 17 ноябрдаги 2119-III-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2018 йил 13 декабрдаги СҚ-348-III-сонли қарори ҳамда халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг “Сурхондарё вилоятининг 2018 йилги маҳаллий бюджети ижроси ва 2019 йил маҳаллий бюджети асосий кўрсаткичлари тўғрисида”ги 2018 йил 26 декабрдаги 222/5-35-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 27, 99 моддаларига асосан ушбу қарорни қабул қилиш Кенгаш ваколатига киради.

Қарор иловаларида келтирилган Ангор тумани маҳаллий бюджети 2018 йил даромадларининг режа кўрсаткичлари ва туман маҳаллий бюджети харажатларининг 2019 йилги режа кўрсаткичлари туман молия бўлими билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган.

Халқ депутатлари Ангор туман Кенгашининг ушбу қарори лойиҳаси қонун ҳужжатларига зид эмас ва қонунчилик техникаси талабларига тўлиқ жавоб беради.

Юқоридагиларга биноан, Кенгашнинг норматив-ҳуқуқий тусдаги қарори лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича

ХУЛОСА ҚИЛИНДИ:

Халқ депутатлари Ангор туман Кенгашининг “Ангор туманининг 2018 йилги маҳаллий бюджети ижроси ва 2019 йил маҳаллий бюджети асосий кўрсаткичлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилганлиги ва қонунчилик техникаси талабларига мувофиқлиги қайд этилсин.

Мазкур хулоса юзасидан тегишли хат маълумот учун халқ депутатлари Ангор туман Кенгашига юборилсин.

Ангор туман адлия
бўлими бош маслаҳатчиси **П.Бобомўминов**

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI
ANGOR TUMANI HOKIMI

**РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ
ХОКИМ АНГОРСКОГО РАЙОНА**

190200 Angor q. Al-Hakim At-Termiziy ko'chasi 58-uy, tel: 0(376) 31-22-012, fax: 0(376) 31-22-012

2019 yil "4" январь

5/01-20 - sonli

**Ангор туман адлия
бўлими бошлиғи
Р.Э.Бердиевга**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2018 йил 17 ноябрдаги 2119-III-сонли ва шу ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2018 йил 13 декабрдаги СҚ-348-III-сонли қарорларига асосан ҳалқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг "Сурхондарё вилоятининг 2018 йилги маҳаллий бюджети ижроси ва 2019 йил маҳаллий бюджети асосий кўрсаткичлари тўғрисида"ги 2018 йил 26 декабрдаги 222/5-35-сон қарорига асосан ҳалқ депутатлари Ангор туман Кенгашининг "Ангор туманининг 2018 йилги маҳаллий бюджети ижроси ва 2019 йил маҳаллий бюджети асосий кўрсаткичлари тўғрисида"ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ушбу қабул қилинаётган қарор норматив хусусиятга эга бўлганлиги сабабли, давлат хисобига олиш учун ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

Илова: Қарор лойиҳаси ва иловалар 7 варақда.

Туман ҳокими в.б: **У.Я.Турапов**

Баж: Ч.Халиқов

SURXONDARYO VILOYAT
ADLIYA BOSHQARMASI
Angor tuman Adliya bo'limi
Kirish № 2-2/2
Sana 4.01.19 y.

Ангор тумани ҳокимлиги бош юрисконсульти томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш юзасидан

МАЪЛУМОТНОМА

2019 йил 4 январь **Ангор т.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2018 йил 17 ноябрдаги 2119-III-сонли ва шу ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2018 йил 13 декабрдаги СҚ-348-III-сонли қарорларига асосан халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг "Сурхондарё вилоятининг 2018 йилги маҳаллий бюджети ижроси ва 2019 йил маҳаллий бюджети асосий кўрсаткичлари тўғрисида"ги 2018 йил 26 декабрдаги 222/5-35-сон қарорига асосан халқ депутатлари Ангор туман Кенгашининг "Ангор туманининг 2018 йилги маҳаллий бюджети ижроси ва 2019 йил маҳаллий бюджети асосий кўрсаткичлари тўғрисида"ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Ушбу қарор лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунчилик техникаси қоидаларига тўлиқ жавоб беради.

Мазкур қарор лойиҳаси қабул қилингандан сўнг туман ҳокимининг бошқа тегишли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмайди ҳамда ўз кучини йўқотган деб топилмайди.

Шунингдек, қабул қилиниши лозим бўлган қарор лойиҳаси "regulation.gov.uz" Ўзбекистон Республикаси норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига жойлаштирилган бўлиб, муҳокамадан ўтган.

Туман ҳокимлиги
бош юрисконсульти: **Ч.Халиқов**